

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОННОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
карори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-9/4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Ubaydullayeva U.A. Alisher Navoij “Layli va Majnun” dostonida ekologik terminlarning semantik guruhlari	144
Vositov O.T. Ingliz tilidagi lsg a’zolarining frazeologik faolligiga ko’maklashuvchi va to’sqinlik qiluvchi omillar	147
Xalimjonov A. Ibratning “Jome’ ul xutut” asari yozuvlar tarixiga oid muhim manba	149
Xolibekova O.K. Bilingvizm fenomenining bola nutqiga ta’siri	153
Xolisova G.M., Xolisov A.Sh. O’zbek tijoriy diskursining o’ziga xos xususiyatlari	155
Xonkeldiyeva G. Kelishik kategoriyasining rus tiliga tarjimasi masalasi	158
Xudoynazarova O’.A. Ingliz idiomalarida diniy leksemalar	162
Xusanova Yu.A. The main features of the language and special word implementation of broadcasting journalism	164
Zokirova Sh.N. Improving listening comprehension in ESP classroom	167
Абдувалиева Д.А. «Нахжул фародис» — редкий образец староузбекского литературного языка	172
Абдусаматова О.Г. Анализ дифиниций стилистических терминов: плеоназм и тавтология и их употребление в речи	175
Адыгезалова М.Н. Концепт «дьявол» в произведениях Л.Н.Толстого и Г.Джавида	177
Ахмадалиева С.М., Шавкатова Н.З. Якка антропонимлардан олинган бренд номлари	180
Бобоев У.Н. Лингвокультурологические особенности шок-теймента в текстах узбекских СМИ	182
Бурибекова Ш.Ш. Телевидениеда журналистик суриштирув жанрининг ўзига хослиги	186
Газиева М.М. Семиотика ва лисоний семиологик парадигма	189
Зияева М.Ф. Путешествие во времени: эволюция русской лингвистики	192
Имомалиева М.И. Амирий ижодида Искандар ойинаси тимсоли	194
Махмудов Р. Ўзбек тили сўзлашув нутки ва шеваларидаги энг янги сўзлар	198
Нурийтдинова Р. Социал диалектлар	202
Султонова Н.Н. Роман жанрида ривоятнинг ўрни	204
Тажигалиева Н.Б. Этнокультурные особенности цветообозначающих личных имен в каракалпакском и английском языках	208
Турсунова Н. Ирим айтимларининг мифологик моҳияти хусусида	211
Хужанова О.Т. Простые конструкции в структуре деловых документов посольского приказа XVII века о хивинском царевиче Авгане Мухаммеде	214
Шарипов Р. Янгиланиш, ислоҳот ва мустакиллик учун кураш ғояларининг умумтуркий илдизлари	217
Шодиева Ш.И. Ватан синонимик категорида турувчи айrim лексемаларнинг поэтик таъсиричанлиги	221
Юсупова С.А. Ўзбек ва инглиз тиллари нуткий мулокотида хурмат улуғлаш ифодаси	223

ЯНГИЛАНИШ, ИСЛОҲОТ ВА МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШ ҒОЯЛАРИНИНГ УМУМТУРКИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Р.Шарипов, ф.ф.н., доц., Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент

Аннотация. Ҳаётнинг қирралари кўп. Ўт ва сув, оқ ва қора, паст ва баланд бирлашиб, борлиқнинг ягона таркибини яратади. Мавжудот доим ҳаракатда бўлгани сабабли у қирраларнинг жисоли ҳамиша ўзгаришида бўлади. Адабиёт ана шу манбадан мазмун ва шакл олгани учун шоир ёки ёзувчи яратган ҳар бир ҳаққоний асар борлиқнинг бирор сифатини ўзида мужассасам этади.

Чинакам ижодкор инсон сифатида аввало фидойи бўлади. Унинг ҳаётда қўйған қадами ҳам, қўлидаги қалами ҳам шу мақсадга хизмат қиласди. Шоир ва ёзувчиларнинг кўпчилиги бу жабхага жуда ёшлигидан ўзини ургани сабабли нутқ ва сатрларида оиласга фидойишикдан ҳам илгарироқ Ватанга, ҳалқка фидойишик туйгулари ўзини намоён этади. Энг муҳими – ҳаётда кейинча қандай воқеалар рўй беришига қарамасдан, ижодкор ўз истеъододига хиёнат қилмаса, ана шу яшаш услуги шоир ҳарактерининг ўзаги бўлиб қолаверади.

Калим сўзлар: Туркистон, маърифатпарварлик гояси, Мулла Икром, жадидлар, жадид адабиёти, театр.

Аннотация. Жизнь имеет много граней. Трава и вода, белое и черное, низкое и высокое соединяются, чтобы создать единую композицию бытия. Поскольку объект всегда находится в движении, блеск этих краев всегда меняется. Поскольку литература получает свое содержание и форму из этого источника, каждое подлинное произведение, созданное поэтом или писателем, воплощает в себе какое-то качество бытия.

Как по-настоящему творческий человек, он прежде всего самоотвержен. Этой цели служит и его шаг в жизни, и перо в руке. Поскольку большинство поэтов и писателей были причастны к этому поприще с самого раннего возраста, то чувства преданности Родине и народу проявляются в их речах и строках даже раньше, чем преданность семье. Самое главное, что что бы ни случилось потом в жизни, если творец не предаст свой талант, этот образ жизни останется сердцевиной характера поэта.

Ключевые слова: Туркестан, идея просвещения, мулла Икрам, джадиды, джадидская литература, театр.

Abstract. Life has many facets. Grass and water, white and black, low and high unite to create a single composition of existence. Since the object is always in motion, the gloss of those edges is always changing. Since literature gets its content and form from this source, every true work created by a poet or writer embodies some quality of being.

As a truly creative person, he is first of all selfless. Both his step in life and the pen in his hand serve this purpose. Since most of the poets and writers were involved in this field from a very young age, the feelings of devotion to the Motherland and the people show themselves in their speeches and lines even earlier than devotion to the family. The most important thing is that regardless of what happens later in life if the creator does not betray his talent, this way of life will remain the core of the poet's character.

Keywords: Turkestan, the idea of enlightenment, Mulla Ikram, Jadids, Jadid literature, theater.

Кириш. XIX аср охири - XX аср бошларида майдонга келиб, ҳалқимиз тарихида ўзининг ўчмас изини колдирган жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндалари, ҳалқимизнинг севимли шоир, адаб ва олимлари ҳаёт ва ижод йўли фикримизни давом эттиришга манба бўлади.

XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракатининг намояндалари бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чикишмаган. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар кори, Таваллоларга мактаб очганлари, ҳалкни ўз ҳақ-хуқукларини танишга даъват этганлари учун бирор маош тўламаган. Аксинча, улар ўт билан ўйнашаётганини, истибододга қарши курашаётгандлари учун аёвсиз

жазоланишларини олдиндан билган ҳолда онгли равища виждан ва иймонлари даъватига кўра мана шу йўлдан боришган.

Дарҳақиқат, жадид маърифатпарварларининг қизиқиши ва фаолияти доираси фоят кенг бўлиб, уларнинг асосий мақсади ҳалқни маърифат йўли орқали мустақилликка олиб чиқиши эди. Чунки, маърифатсиз, ўз тарихи ва инсоний ҳак-хуқуқлари ҳақида хеч нарса билмай, мустамлакачилик шароитида яшаш – ҳалқнинг иродасини букиб ташлаган эди. Шунинг учун ҳам улар янги усолдаги мактаблар очиб, тез суръатларда ҳалқ оммасининг саводини чиқариш чораларини кўрдилар; илк бор матбуотга асос солиб, газета ва журнallар чоп этишди; янги давр ғояларини тарғиб этувчи, ҳалқнинг ёпик кўзини очувчи асарлар яратдилар. Натижада, жадид адабиёти майдонга келди ва театр труппалари пайдо бўлди. «Падаркуш», «Тўй», «Эски мактаб, янги мактаб», «Жувонбоз», «Кўйнори» сингари асарларнинг саҳнага қўйилиши билан миллий театр санъати ўз тарихини бошлади. Жадидлар ўзларининг тараққийпарвар ғояларини мактаб-маърифат, адабиёт ва театр ёрдамида ҳалқ оммасига етаказа бошладилар. Аммо, улар назаридан, бу мафкура ва маънавият майдонлари, мамлакатнинг мустақилликка эришиши йўлида бир восита эди, холос. Шу билан бирга, жадид маърифатпарварларининг бадиий асар ва публицистик маколалари диккат билан ўқилса, уларда жадидларнинг давлат қурилиши ҳақидаги муҳим сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари мужассамланганини ҳам кўрамиз.

Асосий қисм. Кишилик жамиятининг кўп асрлик тарихида хилма-хил ҳаракатлар, таълимот ва сиёсий оқимлар мавжуд бўлган. Буларнинг замиридаadolatli, фуқароларнинг тенглиги асосига қурилган, инсонпарвар жамиятни юзага келтириш учун, зулм ва зўравонликдан, қуллик ва истибдоддан, тенгсизлик ва жаҳолатдан кутулиш учун тинимсиз изланиш истаги ётган. "Миллий зулмдан кутулиш учун озодлик кураши асосий ходиса хисобланади, - деб ёзади Б.Дўстқораев. - Озодлик, мустақиллик, эркка феодал қолоқлик, жаҳолатдан кутулгандагина эришиш мумкин бўлган. Бунинг учун жамиятдаги мавжуд тузумни тубдан ислоҳ қилиш лозим бўлиб, буни амалга оширувчилар қотиб қолган, даққи кучларга, яъни "қадим" (эски)ларга қарши турувчи "жадид" (янги)лар сифатида майдонга келди. Шу боис жадидлар Мирда ҳам, Туркияда ҳам, Туркистонда ҳам сиёсий оқим сифатида пайдо бўлди. Тўғри, уларнинг шаклланганлик, тараққий топганлик даражаси бир хил эмас эди. Чор Россияси томонидан босиб олинган ўлкаларда ҳам XIX аср охирига келиб миллий озодлик ҳаракатлари охир-оқибатда жадидларни тарих саҳнасига чиқарди. Миллий истибдод занжирига тушган ҳалқ ва элатлар кудратли империя чангалидан факат бирлашиб ҳаракат қилгандагина кутулишлари мумкин эди. Бунинг учун, энг аввало, миллий онгни уйғотиш, миллатнинг ўзлигини англаб етишувига эришиш лозим эди. Қулнинг қул эканлигини англаб, озодликка чиқиши учун унда ўз ахволига онгли назар ташлаш кобилиятини ҳосил этиш талаб килинарди"[2,146].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Кавказ ва Озарбайжонда жадидчилик ҳаракати вужудга келади. Бу худудда, айникса, нефть саноати тез суръатлар билан ривожланиб, дунё миқёсида машҳур "Нобель", "Ротшильд", "Сиеменс" каби ширкатлар очилган, Кокорев, Шибаев, Бенкендорф каби рус сармоядорлари ҳам ўз ишларини бошлаган эдилар. Бунинг натижасида худудга янги технология ва бошқа турдаги янгиликлар тез суръатда кириб келди. Натижада, 1897 йилда Озарбайжонда яшаган 1.805.788 аҳолидан 26.637 киши нефть саноатида хизмат қила бошлади[3,21].

Агар Кавказ, хусусан, Озарбайжонда янгиланиш жараёни учун асосий иқтисодий ва маданий шароит етилган бўлса, ўзга худудларда аҳвол бир оз бошқачароқ эди. Масалан, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт тарзига одатланган қозоқларда янги таълим тизимининг кириб келиши бир оз кийин бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб уларнинг турмуш тарзида Россиянинг таъсири сезила бошлади. 1841 йили Ханская Ставка шаҳрида қозоқ болалари учун илк мактаб очилади. 1866 йилда эса бундай мактаблар сони саккизтага етади.

XIX асрнинг 90-йилларида бошланган жадидчилик ҳаракатининг тан олинган марказларидан бири, шубҳасиз, Волга бўйи (Идил-Урал)дир. Бу ерда пайдо бўлган кучли маърифатпарварлик ҳаракати ислоҳотчилик интилишлари билан уйғунлашган ҳолда татар ва

бошкird жадидчилик ҳаракатини юзага келтириди. Бошка миңтакаларда кўзга ташланганидек, жадидчилик бу ерда ҳам дастлаб мактаб таълим тизимини ислоҳ этишдан бошланди. Бу ташаббусни XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳусайн Файзхонов ("Мактаб ислоҳоти" дастури) ҳамда Шахобиддин Маржоний (шогирдларни ўқитишда ўзи тузган амалий дастур билан) бошлаб берди. Аммо уларнинг новаторона моҳиятга эга бўлган ғоялари ўз вақтида ҳаётга кисмангина татбиқ этилди. Ш.Маржоний ғоялари муаллиф томонидан мадрасаса таълим мининг янгиланишига ёрдам берган бўлса, иккинчи ғоя қофзодагина колди. Шунга қарамай, таълим тизимининг ислоҳ этилиши XX аср бошларида татар руҳий ва маънавий маданиятида рўй берган уйғонишнинг бош омилидир. Татаристонда жадидлар билан қадимчилар ўртасида бошланган ҳаёт-мамот кураши, бир томондан, ёш татар маърифатпарварларининг Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларига оқиб келишига сабабчи бўлган бўлса, иккинчи томондан, жадидларга матбуот, адабиёт ва театр ёрдами билан ҳалқ оммасини ўз тарафига оғдириш, улардан мадад олиш ва, айни пайтда, улар ўртасида ўзларининг илғор ғояларини тарқатиш имконини берди. Қозондаги "Мухаммадия", Уфадаги "Олия" ва "Усмония", Оренбургдаги "Ҳусайния" мадрасалари орқали ҳам жадидчилик ғоялари кенг ҳалқ оммаси ўртасида тарқала бошлади.

XIX аср ўрталари - XX аср бошларида Россия, Туркистон, Кавказ (Озарбайжон), Идил-Урал ва Кримда янгиланишига интилиш жараёни қарийб оммавий тус олганини кузатиш мумкин. Ўз даврининг энг кўзга кўринган сиймоси, назарий ва амалий фаолияти билан жадидчилик ҳаракати шаклланиши ва ривожига бекиёс ҳисса қўшган Исмоилбек Гаспрали ҳакида гапирмаслик мумкин эмас.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва шаклланишида ички омиллар билан бир қаторда ташки омиллар ҳам мавжуд эди, улардан энг эътиборлиси Исмоилбек Гаспрали таълимотидир. Исмоилбек Гаспрали 1851 йилда Кримнинг Бокчасарой шахри яқинидаги Гаспра қишлоғида дунёга келади. Москвада таҳсил олиб, кейинчалик Франция ва Туркияда яшайди. 1875-1881 йилларда Бокчасаройда ўқитувчилик килади, ҳокимиятнинг раҳбар лавозимларида ишлайди. 1881 йилда "Таврида" газетасида эълон қилган мақоласида ўзининг амалий дастурини шундай ифода этади:

- миллий маориф тизимини ислоҳ этиш;
- миллий маориф тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун "Жамияти хайрия"лар ташкил этиш;

- туркий ҳалқларнинг умумий миллий матбуотини ташкил этиш;
- мусулмон хотин-қизларини озод этиш;
- миллий мутахассис ва зиёлиларни этиштириш учун шароит яратиш[4, 72-76].

Юкорида айтганимиздек, Исмоилбек Гаспрали 1884 йилда Кримда илк "усули жадид" мактабини очиб, маориф тизимини ислоҳ этиш борасидаги ғояларини "Таржимон" газетасида эълон қила бошлайди. Унинг фикрича, маориф тизими олдида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муаммоси туар эди:

- мактаб мадрасадан ажralиб чиқиши керак;
- бошланғич синфлар учун алоҳида ўқитувчилар тайёрланиши лозим;
- ўқитувчи "садака" эмас, ойлик маош билан таъминланиши зарур;
- ўқиш ва ёзишнинг эски "хижжалама" йўли билан эмас, янги "Алифбо" китоблари воситасида ўргатилиши мақсадга мувофиқ;
- факатгина ўқиш эмас, шу билан бирга ёзишга ҳам аҳамият берилиши шарт;
- қизлар учун ҳам алоҳида мактаблар очилиши, уларнинг ўқиш ва ёзишига алоҳида эътибор берилиши керак;
- ўқитиш маълум бир дастур асосида ва дарслклар воситасида олиб борилиши керак.

Туркистон зиёлилари ва аҳолисининг катта қисми "усули жадид" мактаблари очилишининг тарафдори эди. Чунки бу - фарзандлар келажаги, ўлка истиқболи билан боғлиқ бўлган мухим масала эди. Шунинг учун ҳам И.Гаспрали бироз аввал барча назарий фикрларини қофзга тушириб, бу хужжатни Россия ҳукуматига, нусхасини эса генерал-губернатор Н.О.Розенбахга юборади. Афсус, натижага кутгандай бўлиб чиқмайди. Гаспрали рад

жавобини олади. Шундан кейин, ўзи билан дўстлик алоқаларида бўлган Бухоро амири Абдулаҳадга мурожаат этиб, янги усулдаги мактабларни Туркистоннинг бир қисми бўлган Бухорда очишга руҳсат сўрайди. Амир Абдулаҳад 1893 йилнинг бошларида Россия зиёрати сирасида Боқчасаройга келиб, Исмоилбек Гаспрали билан танишади, у билан узок сұхбатда бўлади. Ўша учрашув чоғида у Исмоилбекни Бухорога таклиф этади.

Амир Абдулаҳаднинг таклифини мамнуният билан қабул қилган И.Гаспрали 1893 йил май ойининг охирларида Бухорога ташриф буюради. Сафари давомида Самарқанд ва Тошкентда ҳам бўлиб, бир қатор эски усулдаги мактабларни зиёрат қиласди. У ерда мутасадди раҳбарлар, шу жумладан, Н.Остроумов билан Туркистондаги маориф тизими ҳакида сұхбатлашади.

Амир Абдулаҳаднинг Шахрисабздаги ёзги қароргоҳига келган Гаспрали самимий қарши олинади. Узундан-узун сұхбатлар чоғида ўз фикрларига хайриҳоҳлик топади. Аммо шунга қарамасдан кўзланган натижага эриша олмайди. Сабаби, бу вактга келиб, Бухоро амири Чор ҳукуматидан изн олмай туриб, бирор масалани ўзи хоҳлаганича ҳал этиш эркидан маҳрум бўлган эди[4, 49].

Татар жадидчилик ҳаракати ҳакида сўз борганида 1908 йил 10 январдан Оренбургда чоп этила бошлаган "Шўро" ижтимоий-маърифий, адабий-публицистик журналини тилга олиш жоиз. Олтин саноати билан шуғулланган таникли татар шоири Зокир Ромиев (Дардман) бу журналнинг ношири, Ризо Фахриддин эса бош муҳаррири эди. Журналнинг таҳрир ҳайъатида ўзбек зиёлиларига яхши таниш Фотих Каримов, Кабир Бакир, Шариф Камол каби таникли татар жадидлари ҳам бўлишган. Журналда факат татар ва бошқирд ёзувчиларининг асар ларигина босилмай, унинг сахифаларида Ҳофиз, Умар Хайём, Саъдий, Абу Аъло ал-Мааррий, Низомий, Навоий, Фузулий, Махтумқули, Мирза Фатали Охундов, Номик Камол ҳаёти ва ижодларига бағишлиланган мақолалар ҳам ўрин олган. Ўзбек адиллари ҳам журнал фаолиятида иштирок этганлар.

Журнал ўз фаолияти билан жадидчилик ҳаракатининг Миллий уйғониш ҳаракатига айланишига катта хисса қўшди. Татар зиёлилари "Шўро" журналининг туркий халқлар орасида катта муваффакият қозонганидан рағбатланиб, "Вакт" газетасини ҳам нашр эта бошладилар. Энг эътиборлиси шундаки, юкорида номлари зикр этилган зиёлиларнинг аксарияти Бухоро, Самарқанд ёки Хива мадрасаларида таҳсил кўриб, Марказий Осиё ҳудудларида дунёга келган у ёки бу тариқат йўлини тутган эдилар. Уларга ўрта асрларда яшаб ўтган мутафаккирларимиз асарлари қанчалик маънавий озука берган бўлса, Исмоилбек Гаспрали ва унинг ҳамфирклари илгари сурган ғоялар ҳам шунчалик катта таъсири кўрсатди. Хулоса килиб айтиш мумкинки, XIX аср охирлари - XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган маърифатпарварлик ҳаракатининг илдизлари ўз тупроғимизда ниш урган эди.

Ўзбек жадидчилиги сарчашмалари тўғрисида сўз борганда, яна бир манбани унутмаслик лозим. Бу Туркиядаги ёш усмонлилар ҳаракати ва танзимат адабиётидир. Туркий халқларнинг ўзаро яқинлашишига тиши-тирноғи билан каршилик кўрсатган шўролар ҳукумати ўзбек-турк илмий, маданий, ижтимоий ва савдо алоқаларининг кескин узилиши учун барча чораларни кўрди. Шунинг учун ҳам бу алоқаларнинг 1917 йилга қадар бўлган тарихи ҳам унутилаётди. Ҳолбуки, ўзбек жадид адабиётининг асосчиларидан бири Фитрат 1909-1913 йилларда Туркияда бўлган вактида ёш турклар ҳаракати ва адабиёти таъсирида ўзининг дастлабки асарларини ёзган ва бу асарлар жадид адабиётининг дастури ўлароқ хизмат қиласди. Шубҳасиз, Фитратдан олдин ҳам, кейин ҳам кўплаб ўзбек ёшлари Туркияга бориб таҳсил олганлар ва уларнинг аксарияти ўз ватанларига кайтгач, жадид мактабларини очиб, жадид адабиёти ва театрига пойдевор кўйиша иштирок этганлар.

Чўлпон тўғрисидаги хотираларини эълон қиласди геодезист олим Фуломқодир Норхўжаев атоқли шоирнинг Тошкентдаги "Турон" кутубхонасида Туркияда нашр этилган "Сарвати фунун" журналини, бошка ёшлар қатори, мунтазам равишда ўқиб борганини айтади. Ўша кезларда Тошкентдаги қатор мактабларда Туркияда таҳсил кўрган ўзбеклар ёки Туркиядан турли сабаблар билан Ўзбекистонга келиб қолган турклар сабоқ беришган ва улар ҳам ўз шогирдларини турк жадидчилик ҳаракати таъсирида тарбиялашга интилишган. Шундай

кишилардан бири тошкентлик Эсон афанди бўлиб, у Ойбекнинг шаклланишига озми-кўпми ўз хиссасини қўшган.

Турк-ўзбек алоқалари тарихида 1914 йили рус-турк урушида асир тушган турк зобитлари алоҳида саҳифани ташкил этади. Аввало шуни айтиш керакки, ўзбек маориф ва маданият ишларининг жонланиши ва истеъоддли зиёлилар авлодининг шаклланишида турк зобитларининг хиссаси кам эмас. Маълум бўлишича, улар Туркистонга кичик-кичик гурух бўлиб, тўрт марта келганлар. Туркистонга келган тўртинчи гурух анчагина катта эди. Унинг "аъзолар" и Биринчи жаҳон уруши йилларида Кавказортида асир тушган турк зобитлари бўлиб, улардан бири Рожи Чақирўз эди. Унинг эсадаликлари ўзбек жадидчилик ҳаракатининг намояндадаридан бири Усмон Хўжанинг ўғли Темирхўжа томонидан ёзил олиниб, "Турк дунёси тарихи" журналининг 1987 йил 1-12 -сонларида эълон қилинган. Ушбу хотиралар 1914-1923 йилларда Туркистонда бўлиб ўтган бир қанча муҳим тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида янги маълумотлар бериши билан аҳамиятлиdir.

Хулоса. Бир томондан, XVI-XIX асрларда Туркистонда ҳукм сурган ижтимоий тузум – феодал давлатнинг инқизотга юз тутиши, жамият тараққиётида турғунлик ҳолатининг юзага келиши, иккинчи томондан, Туркистоннинг Чор қўшинлари томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши натижасида ўлкада шундай бир мудҳиш шароит вужудга келгани маълумки, муайян ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий заминсиз ҳалқни ўрготувчи, жамиятни силкитиб, ларзага келтирувчи бирон-бир ҳаракатнинг пайдо бўлиши маҳол эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Косимов Б. Миллий уйгониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: Маънавият, 2002. – Б. 5.
2. Дўсткораев Б. Туркистон жадидларининг йирик сиймоси. / Жаҳон адабиёти. -1998. - 3-сон. - Б. 146.
3. Нодир Давлат. Русия туркларининг миллий кураши тарихи (1905-17). - Анкара, 1985. – Б. 21.
4. Мехмет Сарай. Турк дунёсида маориф ислохоти ва Гаспирали Исмоилбей. –Анкара: 1987. –Б. 72-76.

УЎК 81'33

ВАТАН СИНОНИМИК ҚАТОРИДА ТУРУВЧИ АЙРИМ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ПОЭТИК ТАЪСИРЧАНЛИГИ

Ш.И.Шодиева, ўқитувчи, Жizzah давлат педагогика университети, Жizzah

Аннотация. Уибум ақолада поэтик матнлар ифода имкониятларининг кенглигига кўра ажralиб туриши ҳамда тилимизнинг нозик маъно қўрраларини ўзида мужассам этиши хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: муштараклик, истибод, эътиқод, лексема, семантическое ядро, поэтический таъсирчанлик, территория, оттенка.

Аннотация. В данной статье рассматривается тот факт, что поэтические тексты отличаются широтой выразительных возможностей и воплощают в себе тонкий смысл нашего языка.

Ключевые слова: общность, тирания, вера, лексема, семантическое ядро, поэтическая выразительность, территория, цветка.

Abstract. This article discusses the fact that poetic texts are distinguished by the breadth of expressive possibilities and embody the subtle meaning of our language.

Key words: commonality, tyranny, belief, lexeme, semantic core, poetic expressiveness, territory, ottenka.

Ватан — она юрт — кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, худуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан тушунчаси кенг ва тор маънода кўлланилади. Кенг маънода бутун бир ҳалқ уларнинг аждодлари азалдан истиқомат қилиб келган ҳудуд, тор маънода эса киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилади. Ҳалқнинг тили, маданияти, иқтисодий турмуши, руҳий ва руҳоний, маърифий ва маънавий равнақ топа бориши натижасида шу ҳалққа мансуб кишилар орасида муштараклик шаклланади. Ўзбекистон Республикаси ўзбек миллатининг Ватанидир. Бу ўринда давлат ва